ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 221 (10.526) / 2005 ЙИЛ 11 НОЯБРЬ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

Кейинги йилларда давлатимиз томонидан кичик корхоналар ҳамда хусусий бизнес субъектларига яратилаётган шарт-шароитлар ўз самарасини бермоқда.

**СУРАТЛАРДА: "KLAND" хусусий фирмасининг изланувчан раҳбари Абдукарим Абдураҳмонов ёш, ғайратли тикувчи Умида Қўшмуродованинг тиккан маҳсулоти сифатини кўздан кечирмоқда; ёшларга яхши мураббий сифатида танилган қўли гул тикувчи Малоҳат Абдукаримова иш устида.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**





## ҚИСҚА сатрларда

• **БУГУН** дан шаҳримизда ногирон спортчилар ўртасида иккинчи марта ташкиллаштирилган Марказий Осиё олимпия ўйинлари бошланди.

• **ФУҚАРОЛИК** жамиятини ўрганиш институтида КЕЧА "Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари" мавзуида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуман Ўзбекистон халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан уюштирилди.

• **БУГУН** Миробод туманидаги ҳарбий қисмда туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда "Маънавият ва маърифат" марказининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилган тадбирда жамият тараққиёти ривожида аёлларнинг ўрни ҳақида сўз борди.

• **БУГУН** Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам кўрсатиш клиник шифохонасида "Камолот" ЁИҲ Учтепа туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган тадбир Халқаро ёшлар кунига бағишланди.

• **БУГУН** Юнусобод туманидаги 259-мактатабда "Меҳрга тўлсин қалблар" мавзуида ўтказилган тадбирда ўқитувчилар, ўқувчилар иштирок этишди.

• **КЕЧА** Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида "Камолот" ЁИҲ Яккасарой туман Кенгаши томонидан ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизими муассасалари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ташкил этилган "Кузги олимпиада"нинг "Камолот" Кубоги ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

• **КЕЧА** Бектемир туман марказий кутубхонасида ўтказилган маънавий-маърифий давра суҳбатида 290-мактабнинг юқори синф ўқувчилари ҳамда китобхонлар иштирок этишди.

• **ЎТГАН** куни Мирзо Улуғбек туманида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ва бошқа ҳомий ташкилотлар кўмагида бунёд этилган болалар спорт мажмуасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ҚАРОРИ*

# МАРҒИЛОН ШАҲРИНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Мамлакатимизнинг бой тарихи, миллий давлатчилигимиз ҳамда кўҳна қадриятларимизнинг шаклланиши ва ривожланишида алоҳида ўрин тутиб келган, юртимиз заминидаги қадимий цивилизация бешикларидан бири бўлган Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик санасини муносиб нишонлаш, халқимизнинг ўлмас меросини асраб-авайлаш, кенг тарғиб этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада кучайтириш мақсадида:**

1. ЮНЕСКО Бош конференциясининг 33-сессияси томонидан Марғилон шаҳрига асос солинганининг 2000 йиллигини нишонлашда ушбу ташкилотнинг иштирок этиши ҳақида қарор қабул қилингани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасининг таркиби тасдиқлансин.

3. Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан тадбирлар дастури, шаҳарнинг ижтимоий-маданий инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда Марғилон шаҳридаги маҳаллий корхоналар ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита Марғилон шаҳрининг бугунги қиёфасини тубдан ўзгартиришга қаратилган қурилиш, реконструкция ва ободончилик ишларининг замонавий талаблар асосида амалга оширилишига алоҳида аҳамият берсин ҳамда йилнинг ҳар чорагида ўз мажлисларида мазкур қарор билан тасдиқланган тадбирлар ижросини кўриб чиқиб, унинг натижалари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсин.

4. Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари Марғилон шаҳрининг ижтимоий-маданий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича белгиланган қурилиш ва ободончилик ишларини ўз вақтида ва тўлиқ маблағ билан таъминлашни назарда тутсин.

5. «Ўздаврархитектқурилиш» қўмитаси Фарғона вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Марғилон шаҳрида қурилаётган ҳамда реконструкция қилинаётган объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказилиб тасдиқлангандан кейингина маблағ билан таъминланиши учун масъул экани белгилаб қўйилсин.

6. «Ўзбек ипаги» уюшмаси, «Ўзбекенгилсаноат» ва «Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик компаниялари, «Пахта банк» ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлиги Марғилон шаҳрининг маҳаллий корхоналар ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича белгиланган вазифаларни тасдиқланган смета асосида тўлиқ ва ўз муддатларида бажарилишини таъминлаш учун масъул экани белгилаб қўйилсин.

Шунингдек, тегишли маҳаллий корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга туширишда, уларнинг фаолиятини такомиллаштиришда амалий ёрдам кўрсатсин ҳамда зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш мақсадида молиявий маблағларни, жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этишни таъминласин.

7. Ўзбекистон Фанлар академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, Фарғона вилояти ҳокимлиги ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси ва халқаро ташкилотлар иштирокида, таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар, маҳалла, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари вакилларини жалб этган ҳолда, 2007 йил март ойида «Марғилон шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни» мавзусида халқаро илмий конференция ва тантанали байрам тадбирларини ўтказсин.

8. «Ўзбектуризм» миллий компанияси Фарғона вилояти ҳокимлиги билан биргаликда, бир ой муддатда, Фарғона водийсининг бой тарихий-меъморий обидалари ва зиёратгоҳлари, табиий жиҳатдан эътиборга молик сўлим масканларини кенг тарғиб этиш бўйича ҳудудий дастур ишлаб чиқсин ҳамда уни халқаро туристик ярмаркаларда реклама қилиш чора-тадбирларини белгиласин.

9. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган юбилей тантаналарига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 9 ноябрь.

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

• **Кеча Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг тутган ўрни» мавзуида семинар бўлиб ўтди.**

• **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг соғлиқни сақлаш соҳасида бажарилишига бағишланган семинар ўтказилди.**

• **Хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган «Янгийўлёғмой» акциядорлик жамияти Тошкент вилоятининг Оққўрғон, Чиноз, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ, Пскент, Бекобод туманлари, Навоий вилоятининг учта туманида махсус дўконлар очди.**

• **Зомин туманининг энг катта қишлоғи — Пишағарда агроиқтисодиёт коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда қурувчилар кучи билан жами 1 миллиард 600 миллион сўмлик иш бажарилди.**

• **Навоий кон металлургия комбинатининг Учқудуқда иш бошлаган «Пром-Электро» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси комбинат тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг турли кучланишдаги электр жиҳозларини қисқа муддатда таъмирлаб мижозларга етказиб бермоқда.**

• **Навбаҳор туманидаги Ориф Фармонов номидаги фермерлар уюшмаси ҳудудидаги «Ўзбекистон» маҳалласида янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.**

### Жаҳонда

• **Озарбойжонда бўлиб ўтган парламент сайлови натижаларини яна бир ой кутишга тўғри келади. Республика марказий сайлов комиссияси раиси шу ҳақда баёнот берди.**

• **Франциянинг кўпгина шаҳарларида фавқулодда ҳолат ва комендантлик соати жорий этилганига қарамай тартибсизликлар ҳамон давом этмоқда. Жумладан чоршанбадан пайшанбага ўтар кечаси безорилар томонидан 227 та автомобиль ёқиб юборилди.**

• **Чили пойтахти Сантьягода 2000 йилнинг ноябрида қочиб кетган Перунинг собиқ президенти Альберто Фухимори Интерпол хизмати ходимлари томонидан қўлга олинди.**

• **АҚШнинг турли штатларида табиий офатлар давом этмоқда. Навбатдаги торнадо Индиана ва Кентукки штатларида содир бўлди. Кучли табиий офат натижасида 20 нафар киши ҳаётдан кўз юмди, 200 га яқин киши эса тан жароҳатларини олди.**

*Фармон ва ижро*

# ЎЗАРО МУЛОҚОТГА ЧОРЛАЙМИЗ

**Жамиятни демократлаштириш ва ислоҳ қилишнинг айни пайтдаги босқичида айниқса иқтисодиётни эркинлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар амалиётда янада ёрқинроқ ифодасини топмоқда десак муболаға бўлмайди. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор Фармон ва Қарорларига мувофиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларига берилаётган бир қатор янги меъёрий-ҳуқуқий кафолатлар мажмуаси ҳам далолатдир.**

**Ўзбекистон Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони дастлаб қабул қилинган барча ҳужжатларнинг мантиқий давоми бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Унинг ҳаётга тўлиқ ва аниқ татбиқ этилиши эса тадбиркорликни ривожлантириш йўлида барча тўсиқлар олиниб, бизнес тузилмалар, шунингдек бошқа хўжалик субъектларига ҳам ўз фаолиятини маромида ва барқарор юритиши учун катта эркинлик беради. Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат нафақат хўжалик субъектларида текширувлар сонининг кескин қисқартирилишини кўзлайди. Фармон авваламбор текширувларни ташкил этиш тизимини тубдан ўзгартиришга йўналтирилган бўлиб, асосий эътибор назорат органлари мансабдор шахсларининг қонунчилик меъёрлари, айниқса хўжалик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилишда қонун ҳужжатларига қатъий риоя этиши борасида жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган.**

**Мазкур Фармон ижросини таъминлашда назорат органлари тизимининг бўғинларидан бири ҳисобланган санитария-эпидемиология назорати хизматлари томонидан қандай ишлар амалга оширилмоқда? Тошкент Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори Бобур ҚУРБОНОВ билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлиб ўтди.**

— Таъкидлаб ўтилганидек, янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатда хўжалик субъектлари, хусусан бугунги кунда аксарият субъектларнинг асосини ташкил этаётган кичик корхоналар бўйича текширувларнинг кескин қисқартирилиши назарда тутилган. Эндиликда микрофирма ва кичик корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятида ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта режа асосида текширув ўтказилади. Шубҳа йўқки, фаолиятини қонун асосида юритаётган субъектлар ушбу муддат тугагандан сўнг ҳам кейинчалик текширувлардан халос этилиши мумкин. Бу эса катта имкониятдир...

Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда текширувга нисбатан хўжалик субъектлари бўйича мониторинг ўтказилди. Хулоса шундай бўлдики, йўналишимиз бўйича текширувлар корхона ва ташкилотларнинг атиги 20 фоизига тааллуқли бўлиб қолаётир. Қолганлари эса (80 фоизи) тегишли узоқ муддатли вақтгача текширувга мойил субъектлар қаторидан чиқарилди.

Шунга мувофиқ корхона ва ташкилотларда текширувлар кескин қисқариши ўз-ўзидан бевосита тизимдаги назорат фаолиятини юритувчи ходимлар сонини ҳам қисқартиришни кўзлайди. Шу мақсадларда айни пайтда санитария-эпидемиология хизматининг барча тузилмаларида мутахассисларни аттестациядан ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда. Табиийки, бундай саралаш жараёнида ўз ишини аъло биладиган мутахассисларнинг имконияти кўпроқдир. Ҳар бир ходимга у ўз функционал мажбуриятлари ҳамда уларни бажаришига қараб алоҳида ёндошилади. Ушбу жараённи 25 ноябрга қадар якунлаш режалаштирилган ва бизнинг дастлабки ҳисоб-китобларимизга қараганда, тизим ходимларининг 50 фоизи текширувлардан озод этилади.

**— Шу ўринда табиий савол туғилади: наҳотки шунча кўп ишчи-хизматчиларингиз ишсиз қолади?**

— Гап, албатта, уларнинг бутунлай ишдан бўшатилиши ҳақида эмас. Аттестациядан ўта олмаганлар, яна бир бор таъкидлаб ўтаман, фақат назорат функцияларидан озод этилади, бундан ташқари эса уларнинг зиммасида кўплаб бошқа мажбуриятлар бор, демак улар ишсиз қолмайди.

Текширувлар мезонлари хусусида тўхталиб ўтадиган бўлсак, улар бир нечтага бўлинади. Жумладан, тизим ходимлари томонидан текширувлар овқатланиш гигиенаси (савдо, умумий овқатланиш соҳаси, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналари), коммунал гигиенаси (сартарошхона, кимёвий тозалаш шохобчалари, дорихоналар), меҳнат гигиенаси (ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш, касб касалликлари ҳолатлари олдини олиш), даволаш-профилактика муассасалари (мулкчилик шаклидан қатъи назар касалхона ва поликлиникалар миқёсидаги профилактик чора-тадбирлар), ўсмир болалар гигиенаси (мактабгача ва мактаб таълими муассасалари, ўрта махсус ўқув юртлари), эпидемиологик муҳофаза (юқумли касалликларнинг олдини олишга йўналтирилган тегишли талабларнинг бажарилиши) бўйича амалга оширилади.

**— Бироқ, санитария-эпидемиология хизмати мутахассислари фақат назорат билан чекланиб қолмасалар керак?**

— Назорат хизмати йўналишида иш юритсакда, аслида асосий фаолиятимиз профилактик чора-тадбирларни ўтказиш, эпидемияга қарши вазиятни меъёрида таъминлаш, санитария меъёр ва қоидалари бузилишининг олдини олиш билан боғлиқ. Дарвоқе, бугунги кунда 300 дан зиёд санитария меъёр ва қоидалари мавжуддир ва уларга барча — жисмоний шахс бўладими ёки юридик шахсми риоя этиши шарт, зеро бу қоидаларнинг бажарилмаслиги ёки бузилиши охир-оқибат бир инсон ёки меҳнат жамоасига, ҳаттоки умуман жамият учун ҳам зарар келтириши мумкин.

Санитария меъёрлари ҳар бир фаолият турига бевосита тааллуқли ва улар ҳар бир ишчи-ходимнинг юқумли ёки касб касалликларига чалиниши, жароҳат олишидан ҳам халос этиш учун қабул қилингандир. Соҳа ходимларининг вазифаси эса бундай вазиятларнинг олдини олиш, демак санитария талабларининг бажарилиши устидан назорат олиб бориш ҳамдир.

Асосан профилактик чора-тадбирлар мавсумий равишда олиб борилади, чунки ҳар бир мавсумда ўзига хос у ёки бу юқумли касалликлар кучайиши ҳолатлари юзага келиши мумкин. Ҳозирги пайтда ўткир респиратор ва грипп касалликлари кўпайиши мавсумида асосий эътибор дезинфекция талабларига риоя этилишига қаратилаётир. Ушбу йўналишда кенг тушунтириш ишлари олиб борилиши билан бирга, корхона, ташкилот ва муассасаларни санитария-гигиена воситалари билан таъминлаш орқали одамлар кўп бўлган жойларда тегишли профилактик чора-тадбирлари кучайтирилмоқда, шунингдек объектларнинг қиш мавсумига тайёргарлиги ўрганилмоқда (иситиш тизимлари, эшик-деразалар ва том қисмлари бутлиги). Бундан ташқари, тегишли равишда аҳоли ўртасида вакцинация муолажалари кўзда тутилган. Шуни ҳам эслатиб ўтиш кераккi, бу йўналишдаги барча жараёнларни мувофиқлаштириш, эпидемиологик вазиятни кузатиш ва зарурият туғилганда тегишли чораларни кўриш мақсадида ҳар йили куз-қиш мавсумида соғлиқни сақлаш тизимининг шаҳар ва туман бўлинмалари қошида махсус штаблар ўз фаолиятини бошлайди.

**— Буларнинг бари санитария-эпидемиология хизматининг зиммасидаги вазифалар, албатта. Шундай бўлсада, асосий мавзуга қайтиб, корхона-ташкилотлар устидан эндиликда қандай назорат юритилиши хусусида батафсил тўхталиб ўтсангиз.**

— Авваламбор шуни айтиб ўтиш лозимки, янги талабларга мувофиқ текширувга мойил субъектларни танлаш принципи бутунлай ўзгармоқда. Бизнинг соҳамизни оладиган бўлсак, санитария-гигиеник меъёрлар талабларининг бажарилиши бўйича текширувларга, юқорида бу рақам қайд этилганди, пойтахтдаги мавжуд хўжалик субъектларининг атиги 20 фоизи мансуб бўлаётир. Айни пайтда уларнинг рўйхати тузилган бўлиб, шаҳар ҳудудий комиссиясида кўриб чиқилмоқда, кейинчалик эса барча тегишли органлар таклифларидан келиб чиққан ҳолда Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши томонидан тасдиқланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мажмуавий режали текширувларда санитария-эпидемиология назорати хизматининг ваколатли мутахассислари фақат биз томондан текширувталаб деб топилган субъектлар бўйича иштирок этади.

**— Маълумки, Фармонда режадан ташқари текширувларга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада назорат органларидан масъулиятни янада кучайтириш талаб этилмоқда...**

— Дарҳақиқат, бу масалага шаҳар ҳудудий комиссиясининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида ҳам алоҳида урғу берилиб, айрим назорат органларининг қисқа муддатда текширувларга оид фаолияти кескин танқид остига олинганди. Таҳлилларга қараганда, айнан қисқа муддатли текширувларнинг асосий қисми натижасиз бўлаётир.

Янги Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда, мажмуавий режали текширувларга тайёргарлик кўриш каби, қисқа муддатли текширувлар бўйича аризалар ҳам назорат органлари томонидан фақат асосли равишда, фавқулодда ҳолатларда берилиши мумкиндир. Жумладан, эпидемиологик вазият мураккаблашган ҳолда касалликни таҳлил қилиш йўли билан режадан ташқари текширув ўтказиш талаб этилиши мақсадлидир. Ва шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, бундай вазиятларда ҳам мувофиқлаштирувчи кенгашнинг розилиги, шунингдек аниқ субъектлар аниқланган ҳолда, яъни нима учун у ёки бу субъектда текширув ўтказиш сабабларини асослаб бериш тақозо этилаётир. Режадан ташқари текширувларнинг асосан идоравий тарзда ўтказилишини инобатга олган ҳолда биз текширувларни ўз лабораторияларимиз мутахассислари иштирокида ва фақат вазият тақозо этса, масалан, ветеринария, СПИД-маркази каби бошқа органларни ҳам жалб қилган ҳолда ўтказамиз.

**— Текширувларга оид масалаларда мутахассислар ва биринчи навбатда раҳбар ходимларнинг масъулиятини ошириш борасида қандай амалий ишлар қилинмоқда?**

— Фармонда хўжалик субъектлари фаолиятини назорат қилишга оид қонуний талабларга риоя этиш борасида назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари масъулиятини кучайтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилган. Шундан келиб чиққан ҳолда санитария-эпидемиология назорати маркази раҳбарияти доимий равишда, кундалик йиғилишларда, телефонограммалар орқали барча тизим бўғинлари раҳбарларини ҳар бир ишда масъулиятни кучайтириш, хусусан назорат жараёнларида мувофиқлаштирувчи кенгаш рухсатисиз текширувларга йўл қўймаслик, уларнинг қонунга хилоф равишда текширувлар ўтказганлиги ва тадбиркорлик субъектлари хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашувлари учун жавобгарликка, шу жумладан жиноий жавобгарликка тортилиши юзасидан эслатмалар бериб, огоҳлантирмоқда. Ўз навбатида, ишончимиз комилки, кутилаётган аттестация ҳам ҳар бир ходимнинг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Санитария-эпидемиология назорати хизматлари томонидан ўтказилган текширувлар самарадорлигига келсак, 2004-2005 йилларда юқумли ва касб касалликлари бўйича кўрсаткичлар 30 фоиздан кўпроққа камайгани ойдинлашди, овқатланиш тизими билан боғлиқ таомдан заҳарланиш ҳолатлари кузатилгани йўқ. Бундай натижаларга эса вақтида кўрилган чора-тадбирлар асосида эришилди. Шу билан бирга жорий йилнинг январь-октябрь ойларида ўтказилган текширувлар натижасида 235 тонна озиқ-овқат маҳсулотлари чиқитга чиқарилган бўлиб, уларнинг 77 тоннаси — республика ташқарисидан келтирилган маҳсулотлар. Уларнинг асосий қисмини гўшт, сут, нон ва қандолат маҳсулотлари, ичимлик ва консервалар ташкил этади. Бу товарлар савдодан бактериологик ва кимёвий кўрсаткичлари ҳамда сақланиш муддати ўтганлиги туфайли олиб қўйилди. Шу ўринда яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиманки, ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларимиз натижаси ўлароқ сифатсиз озиқ-овқат билан боғлиқ таомдан заҳарланиш хатарларини кескин қисқартиришга эришилди.

Бироқ, бундай ҳолатларнинг ҳар бирини вақтида аниқлаш ва тегишли чораларни кўриш ҳар доим ҳам осон кечмайди. Шу ўринда санитария ва гигиена маданияти даражасини ошириш ҳақида гап борар экан, бу борада биз ҳали кўп иш қилишимиз керак ва ушбу масалада, шубҳасиз, жамоатчиликка, айниқса оммавий ахборот воситаларига катта ишонч билдириб қоламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, барчани ўзаро мулоқотга чорлаймиз, шу билан бирга ўз функционал вазифа ва ваколатларимиздан келиб чиққан ҳолда тадбиркорларга ҳам, шунингдек маслаҳат ёки тегишли ахборотга муҳтож бўлган барчага ёрдам беришга тайёрмиз. Шу мақсадларда шаҳар ва туман миқёсида соҳа масалалари бўйича зарур услубий ёрдам кўрсатиш юзасидан махсус алоҳида хизмат йўлга қўйилганлигини эслатиб ўтамиз. Бунинг учун марказнинг туман бўлимлари ёки бевосита қуйидаги манзилда жойлашган шаҳар санитария-эпидемиология назорати марказига мурожаат қилиш мумкин: **Собир Раҳимов тумани, Қорасарой кўчаси, 341-уй. Телефон: 148-00-41.**

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**
**суҳбатлашди**

# УЯЛИ АЛОҚА АБОНЕНТЛАРИ СОНИ БИР МИЛЛИОНГА ЕТДИ

**Ўзбекистонда уяли алоқа бозорини ривожлантиришда мисли кўрилмаган натижага эришилди. Мамлакатимизда уяли алоқа абонентлари сони бир миллионга етгани муносабати билан ташкил этилган тадбирда сўзга чиққанлар шу ҳақда гапирди. Тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда республикамиз бозорида фаолият юритаётган олтита уяли алоқа компанияси — Uzdunrobita, Unitel, Coscom, Perfectum Mobile, Buztel ва «Ўзбектелеком» акционерлик компаниясининг Uzbektelekom Mobile филиали томонидан ташкил этилди.**

Ўзбекистон уяли алоқа тизими мустақиллигимиз тенгдоши ҳисобланади. 1991 йилнинг августида республика ҳукумати кўмагида ўша вақтдаги Алоқа вазирлиги ташаббуси ва муассислигида нафақат мамлакатимизда, балки бутун Марказий Осиёда биринчи бўлиб уяли алоқа хизматларини кўрсатиш бўйича «Uzdunrobita» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси ташкил этилди.

1992 йилнинг августида қўшма корхона тармоғидан тижорий мақсадда фойдаланиш бошланди. MMT 450 Ўзбекистонда биринчи мобиль стандарт бўлди. 1994 йил 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатимизда атиги 224 уяли алоқа абоненти бўлган. 1995 йил давомида эса бу кўрсаткич 823 дан ошди.

1995 йилнинг ноябрида қўшма корхона абонентларига AMPS/DAMPS стандартида хизмат кўрсатишга ўтилди. Ушбу стандартдан фойдаланиш кўрсатилаётган хизматлар сифатини анча яхшилади ва абонентлар сонини кўпайтириш имконини берди.

1996 йилнинг бошида Ўзбекистонда 3804 та абонент бор эди. Бу пайтда фақат битта оператор фаолият юритган бўлса, йил давомида Ўзбекистон мобиль алоқа бозорида яна бешта янги оператор пайдо бўлди. Абонентлар сони ҳам кўпайди. 2000 йил охирида уларнинг сони 100 мингга етди. Бугунги кунда Ўзбекистон уяли алоқа бозорида турли стандартларга эга рақобат муҳити шаклланди.

Энг йирик компаниялар Ўзбекистон ҳудудида ўз тармоқларини ташкил этмоқда. Бу эса рақобат муҳитида янги мижозларни жалб қилишнинг асосий омили ҳисобланади.

2005 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, Ўзбекистон бўйича абонентлар умумий сонининг деярли 51 фоизини республика ҳудудларида яшаётган фойдаланувчилар ташкил этди. Жорий йил ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигида Ўзбекистонда уяли алоқа абонентлари сони 1 миллиондан ошди.

Тақдимот маросими иштирокчиларининг фикрича, республикамизда мобиль алоқа жадал ривожланмоқда, бу борадаги рақобат эса янги хизматларни жорий этиш ҳамда тарифларни пасайтириш орқали абонентлар сонини кўпайтиришнинг кучли омили саналади. Тариф режаларининг кўплиги ва ўзгарувчан нарх сиёсати ҳар қандай ижтимоий тоифа вакилларини қаноатлантириши мумкин. Шу сабабли республикада уяли алоқа нафақат пойтахтимиз, балки ҳудудларда ҳам ривожланишига шубҳа йўқ.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори А.Орипов иштирок этди.

**В.НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**




**КУЛИНГ ДЎСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ.**
**Юсуфжон қизиқ Шакаржонов**

Леонид ЛЕНЧ

# «НОЗИК» МАСАЛА

Иш вақти тугашига сал қолганда таҳририятга бир киши келди. Сочлари ҳурпайган, ўзиям қандайдир хўмрайган киши ходим курсига оғир чўкаркан, унга тикилиб қараб қолди.

—Нима арз билан келдингиз? — одатдаги тетиклик билан сўради ходим.

—Арз-парз билан келганим йўқ.

—Унда нима гап?

—Бир нозик масала бўйича...рационализаторлик таклифи билан келувдим. Умуман, унинг маиший аҳамиятини ўзингиз тушуниб олаверасиз.

Ходим қўлидаги соатига бир қараб олди.

—Муаммоингиз моҳиятини икки оғиз сўз билан тушунтириб бера олмайсизми? Биласизми, вақтимиз зиқроқ.

Қаҳрамонимиз қўлтиғидаги қоғозини олиб, столга ёйди-да, ундаги йўғон ҳарфлар билан битилган аллақандай ёзувларга ишора қилди.

—Жилла бўлмаса, мановиларни ўқинг!

Ходим овоз чиқариб ўқий бошлади:

«...Аёлларда тишларнинг етишмовчилиги даври бошланиши билан уларда жанжаллашиш иштиёқи ҳам кучайиб бориши кузатилган. Бунда эркак, яъни турмуш қийинчиликларини енгишда доимо айбдор бўладиган эри асосий объект бўлиб хизмат қилади. Техникавий тараққиёт даврида оилада тинчлик ва осойишталик муаммоси...»

Ходим ўқишдан тўхтаб, қоғозни бир четга суриб қўйди-да, деди:

—Кечирасиз-у, буларнинг бари бўлмағур гаплар. Шу масала бўйича... ўзингизда қанақанги рационализаторлик таклифи бор?

—Мен ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтай. Хотинимни қўяверасиз, ўтакетган жанжалкаш. Унинг ҳам тишлари тўкилиб кетган (албатта, бунда камина ҳам айбдор), поликлиникага мурожаат қилганди, сунъий тиш қўйишди. Сунъийга гап йўқ, чайнаш қобилияти юқори, нутқи аъло даражада. Аммо битта лекини бор: хотиним мени қарғай бошлаши билан қоплама тиши оғзидан автоматик тарзда отилиб чиқиб кетади. У ҳам бардош беролмаса керак-да...Афтидан, унинг тузилмаси шундайки, бундай кучли товуш тебранишларини кўтаролмайди. Тушундингизми?

—Шошманг, шошманг,—унинг гапини бўлди ходим,—унда хотинингиз қопланган тишини жойига қайтадан солиб, яна бошқатдан бошлаши мумкин-ку...

—Назарий жиҳатдан мумкин, бироқ отилиб чиқиб кетаверишини у қандайдир психологик сигнал деб тушуниб, ўзига келади-қолади.

—Хўш, унда нима таклиф қиласиз?

—Мен барча тиш поликлиникалари ва амбулаторияларига жанжалкаш аёллар учун ана шундай автоматик равишда отилиб чиқиб кетадиган қоплама ясашни таклиф қиламан. Буюртмачи амбулаторияга жанжалкаш эмаслиги ҳақида эридан (ёки уй-жой мулкдорлари ширкатидан) маълумотнома топшириши лозим, шундагина унга одатдагидек тиш протези ясаб берилади. Маълумотнома олиб келмаса, ўзидан кўрсин, отилиб чиқиб кетадиганидан олаверади. Мановинда (у қоғозни кафти билан оҳиста силаб қўйди) ҳаммаси очиқ-ойдин ёзиб қўйилган. Таклифимни кўриб чиқиб, бажариш учун тегишли жойга ҳавола этишга ваъда берасизми? Сиздан ўтиниб сўрайман!

Ходим ваъда берди...ва унинг рационализаторлик таклифини менга узатди, мен эса, кўриб турганингиздек, уни сизга ҳавола қилдим, а лаббай?

**Русчадан Мирзаали АКБАРОВ таржимаси**

# ИККИ БОШЛИҚҚА БИР ТЎН

**ҲАЖВИЯ**

Аввалги пайшанбада Латифжон арзанда неварасининг суннат тўйини ўтказди. Тўйга ошна-оғайниларини бирма бир айтиб, ҳаммасининг қўлига таклиф қоғозларини тутқазганди, айтилганлар келишди. Келганларни кутиб олиш пайтида Латифжоннинг имо-ишораси билан тўйда хизмат қилувчилар кўрсатилган жойларга меҳмонларни ўтказишарди. Шу орада ёш бир йигитча кириб келганида Латифжон унга таъзим бажо келтириб, кутиб олди-да, хизмат қилувчиларга буюрмай, ўзи алоҳида, юқорига юмшоқ ўриндиқли жойга бошлади. У хизмат қилиб юрган қайниси Оқилни имлаб чақирди-да, қулоғига шивирлади: "Бошлиғимиз бўладилар, боя мен айтганимдек дастурхон бўлсин!"

Пойгакрокда ўтирган кексалар иззат-ҳурматли йигитчага қараб ўзаро шивир-шивир қила бошлашди:

— Ким экан у, вазирмикан?

— Йўқ, Оқилдан сўрагандим, Латифнинг бошлиғи экан.

— Э, ҳа! Жуда ёш экан, сал "пастрокда" ўтирса ҳам бўларди...

Бироздан сўнг Латифжон маҳалладаги обрўли кишилардан бирини бошлиғининг ёнига ўтказиб, ўзи бошлиққа узр айтиб, кўча эшиги олдига чиқди. Ўша пайт ўзи билан ўрта мактабда ўқиган бир ошнаси келиб сўрашаётган пайтида Латифжоннинг қўлига тўёна пули тутқазди. Латифжон уни ёнидаги бўш ўриндиққа ўтказиб, ичкарига таклиф этишни ҳам раво кўрмади.

— Об-бо, дўстим Ҳаёт-ей, тўй қилаётганимни қаёқдан эшитдинг?

— Шерзод айтди, аввалги куни аэропортдан чиқаётганимда кўрдим, у онасини кутиб олишга борган экан.

— Хорижда қанақа ўқишни битирдинг, ўзи?

— Банкирликни-да!

— Унда касбдош эканмиз, — деб дўстининг елкасига қоқиб қўйди Латифжон.

— Латиф дўстим, мен анави келаётган одамлар билан тўйхонага кириб чиқай, ҳозиргина мажлисдан чиқдиму айтилмаган бўлсам ҳам тўйингдан кечга қолмай, дея келавердим.

— Бироз сабр қил, ҳув анави нарида келаётганлар бизнинг идорадан, улар ичкари киришсин.

Ноилож Ҳаёт кўча эшик олдида тик туриб қолди. Латифжоннинг ишораси билан бирга ишлайдиган касбдошлари махсус ҳозирланган жойга ўтказилди. Улар келтирган гиламни Оқилвой дарров олиб, тўрдаги уйга ташлаб чиқди. Латифнинг касбдошлари бугун тайинланган янги бошлиқнинг эшик олдида қўл қовуштириб турганини кўришиб, ўзаро шивирлашарди:

— Унинг бизга бошлиқ этиб тайинланганини Латифжон билмаса керак-а, ишдан таътилга чиқиб, тўй қиляпти-да, ахир!

— Балким қариндошидир, кўчада қўл қовуштириб турибди-ку!

— Нима бўлса ҳам Латифжонни бугунги йиғилишдан хабардор қилайлик, — деб касбдошларидан бири секин ўрнидан туриб, Латифжоннинг ёнига келди.

— Латифжон, буёқни танийсизми? — сўради ҳамкасби зўрма-зўраки илжайиб.

— Танийман, оғайним Ҳаёт бўлади.

— Унда оғайнингизни табриклаб қўйинг, бизга бошлиқ этиб тайинландилар!

— Ростданми! Ҳаётжон дўстим, жуда камтарсан-да! — дея Латифжон қучоқ очиб дўстини бағрига босди-да қайнисини имлаб чақириб, унга бир нималар деди, у бора солиб креслода ўтирган ёш йигитни ўрнидан турғазиб кўча эшикка, Латифжоннинг ёнига бошлаб келди.

— Нима бўлса ҳам собиқ бошлиғимизсиз, ёнимда туринг, — деди Латифжон ёш йигитчага.

— Раҳмат, — деди йигитча башарасини буриштириб, — янги бошлиғингиз кўрсатилган жойга ўтиряптилар, энди менга рухсат беринг, бора қолай.

— Ҳа майли, ўзлари биладилар! — деб Латифжон собиқ бошлиқни тўйхона эшиги олдидан кузатиб қолди. Буларни креслода ўтириб, зимдан кузатаётган Ҳаётжон ноқулай вазиятдан қутулиш учун ўрнидан туриб, тез-тез юриб келди-да, собиқ бошлиқни қўярда- қўймай етаклаб келиб, жойига ўтказди. Бошлиқлар гапининг мағзини чаққан Оқил аста келиб Латифжоннинг қулоғига шивирлади: "Собиқ бошлиғингиз вилоят банки бошлиғи бўлиб кўтарилибдилар".

—Нима, хайрият, сал қолибди-я, бир бало бўлишимга! — деди Латифжон. Энди Оқил тўнни ўзинг кийгазасан-да!

— Тўн битта-ку, янгига кийгазавераманда, унда!..

Бошлиқлар ошдан кейин чиқиб кетишаётган эди, Оқил бошлиқнинг йўлини тўсиб, унга зарбоф тўн кийгазди. Янги бошлиқ эса елкадан тўнни олиб, собиқ бошлиқнинг кифтига ташлади:

— Биз кейинги тўйда киямиз, бу гал навбат сизники, — деб қўйди Ҳаётжон қўлини кўксига қўйган ҳолда. Унинг бу гапидан Латифжоннинг баданини совуқ тер босиб, мулзам бўлиб қолди.

**Қўчқор ОЛИМОВ**

# ШИНГИЛ ТАБАССУМ

Бир аёл ўғли билан кўчада сайр қилаётиб дугонасини учратибди. Салом-аликдан сўнг аёл ўғлига дебди:

— Ўғлим, холангни ўпиб қўйгин.

— Йўқ, истамайман.

— Нега?

— Истамайман, дедим-ку.

— Бирор сабаби бордир ахир?

— Кеча дадам шу иши учун тарсаки еб қолди-ку.

* * *

Вагон купесига аёл кириб келганда бир эркак газета ўқиб ўтирарди. "Ҳозир, газета ўқиб бўлиб, менга гап отади, бир ялинтирай", ўйлади аёл.

Эркак эса газетани ўқиб бўлиб, журнал титишга тушди. "Хўш, — ўйлади аёл, журналларни ҳам қачондир ўқиб бўлади. Ана ўшанда бошланади менга ялиниш".

Эркак бўлса журнални ўқиб бўлиб, жойига чиқиб тескари қараб ётиб олди.

— Менга қаранг, — деди қаҳрга тўлиб аёл, — қанақа эркаксиз ўзи?

— Икки соат ялингандан кўра, йигирма дақиқа кутган яхши, — деди эркак.

* * *

Қиз: Ота, мен кеча сизга айтган йигитга турмушга чиқаман.

Ота: Ахир уни бор-йўғи ўн кундан бери биласан-ку, ростдан уни севасанми?

Қиз: Бу менинг ишим.

Ота: У-чи, у сени севадими?

Қиз: Бу унинг иши.

Ота: Хўп майли. Аммо турмуш қургандан сўнг қандай яшайсизлар. Ҳеч ваqоларинг йўқ-ку?

Қиз: Бу сизнинг ишингиз.

* * *

Ошиқ-маъшуқлар кинотеатрда севги ҳақидаги фильмни томоша қилишмоқда, қиз сўради:

— Нима деб ўйлайсиз, улар охирида турмуш қуришармикан?

— Бу аниқ! Бундай фильмлар кўпинча фожиали якун топади!

**Элдорбек АКРОМОВ тайёрлади.**



**Катталар гапи Миттивой тасаввурида.**
— Толиб аканинг томи кетибди .

**Абдурасул Ҳакимов чизган расм.**

Саҳифа материалларини кулги устаси ЧАҚҚОНБЕК ва ОҚШОМБЕКлар тайёрлашди.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ БЎЛИМИ ТОМОНИДАН ВАКОЛАТЛИ ОРГАНЛАР ҚАРОРЛАРИГА АСОСАН ДАВЛАТ ДАРОМАДИГА ЎТКАЗИШ ВА ҚАРЗ ҲИСОБИГА УНДИРИШЛИК УЧУН ХАТЛАНИБ БАНД СОЛИНГАН ҚУЙИДАГИ АВТОМОТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ОЧИҚ КИМОШДИ САВДОСИ ЎТКАЗИЛАДИ

**2005 йил 22 ноябрь куни қуйидаги автомототранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилади:**

1. «БМВ-325» автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 10 000 000 сўм, техник носоз-Юнусобод-238/4,
2. «Юмз-6Кл» трактори, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 26 40 ЕГ, бошланғич нархи 335 781 сўм, С.Раҳимов-160/4;
3. «Газ-2217-5304» автомобили, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 4 160 000 сўм, техник соз-Юнусобод-80/1;
4. «Газ2411» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 G 07-87, бошланғич нархи 1 103 954 сўм, техник носоз- Миробод-49/4;
5. «Урал-4320» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 34-14 ТНФ, бошланғич нархи 9 600 000 сўм, техник носоз-Миробод-191/1;
6. «Пежо-206» автомобили, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 W 67-76, бошланғич нархи 18 000 000 сўм, техник соз-Юнусобод-135/4;
7. «Ваз-2108» автомобили, 1990 йилда ишлб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 К 57-56, бошланғич нархи 1 536 000 сўм, техник носоз-Шайхонтоҳур-10/4;
8. «Мазда-626» автомобили, ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 3 600 000 сўм, техник носоз-Юнусобод-102/1;
9. «Газ-53» автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 57-20 ТНМ, бошланғич нархи 199 430 сўм, техник носоз-Яккасарой -2/4;
10. «Газ-3306» автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 47-33 ТНП, бошланғич нархи 1 212 741 сўм, техник носоз-Яккасарой-3/4;
11. «Иж-2715» автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 985 711 сўм, техник носоз-Юнусобод-77/1
12. "Газ-24" автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 F 49-11, бошланғич нархи 512 600 сўм, техник носоз-Яккасарой-1031/13;
13. "Ваз-2106" автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси Д 05-16 ТН, бошланғич нархи 618 134 сўм, техник носоз-Яккасарой-1030/13.

**2005 йил 24 ноябрь куни қуйидаги автомототранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилади:**

1. «Газ-310200»» автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 О 77-42, бошланғич нархи 1 678 000 сўм, техник соз-Юнусобод-243/4;
2. «Нексия» автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 I 85-75, бошланғич нархи 4 000 000 сўм, техник соз-Юнусобод-№244/4;
3. «Ваз-2102» автомобили, 1978 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 I 66-97, бошланғич нархи 1 200 000 сўм, техник носоз- Юнусобод-245/1;
4. «Мерседес-Бенц-Д124» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси В 772 OZM, бошланғич нархи 4 379 862 сўм, техник соз- Юнусобод-171/4;
5. «Мерседес-Бенц-210» автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси В 476 SHM, бошланғич нархи 6 775 208 сўм, техник соз- Юнусобод-172/4;
6. «Ваз-21011» автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 В 70-76, бошланғич нархи 300 000 сўм, техник носоз-Миробод-9240/4;
7. «Газ-2411» автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 G 4111, бошланғич нархи 500 000 сўм, техник носоз- Миробод-9248/4
8. «Ваз-2106» автомобили, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 R 40-33, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз-Миробод-9248/4;
9. «УАЗ-452Д» автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 А 85-18, бошланғич нархи 250 000 сўм, техник носоз-Миробод-10240/4

**Кимошди савдолари соат 16-00да бошланади**.

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ҳафтанинг душанба, чоршанба, жума кунлари соат 12.00дан 18.00га қадар ишчи гуруҳ вакиллари томонидан амалга оширилади ва кимошди савдоси бошланишидан 3 соат аввал тўхтатилади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси 3-уй, 2-қават.**

**Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38.**

### *Латифалар*

— Ўғлингиз уйланса ақли кириб қолар.

— Озгина ақли бўлса агар, бир умр уйланмайди.

* * *

Соддагина аёл турмуш ўртоғига депти:

— Дадаси, кейинги вақтда шунчалик ишга берилиб кетгансизки, ҳаттоки кечалари ҳам котибангизнинг исмини айтиб чақирасиз...

* * *

Умрида биринчи марта пиво татиб кўрган бир кампир ҳайрон бўлиб дермиш:

— Таъми дорига ўхшайди. Чолим тушмагур бир умр шу доридан ичиб ўтди-да...

* * *

Саводсиз бир кампир нафақа олаётган вақти тўлов варақасига бир чизиқ чизиб қўяркан. Бир куни у иккита чизиқ қўйса, ундан кассир сўрабди:

— Нима гап, нега иккита чизиқ чиздингиз?

— Турмушга чиқдим. Энди фамилиям бошқача.

* * *

— Рафиқанг қўшиқ айтаётган вақти нима учун балконга чиқиб кетасан?

— Қўшниларим хотинини бўғаяпти, деб ўйламасин...

* * *

Ёш келишган аёл кадрлар бўлимига иш сўраб келибди.

— Қўлингиздан нима келади?

— Ҳеч нарса.

— Афсуски, бизда бунақа жойларнинг ҳаммаси банд.

* * *

Бир шўх бола бувисига гулдаста совға қилибди.

— Вой болажоним раҳмат. Шарт эмас эди. Худди шундай гуллар боғимизда бор.

— Энди эса йўқ, бувижон...

## *ҚУТЛАЙМИЗ!*



*Ҳурматли Эркин Мадиёрович Эрназаров!*

*Сизни қутлуғ 60 ёшга тўлганингиз билан чин кўнгилдан табриклаймиз. Оилавий бахт, сиҳат-саломатлик, ижодий ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз. Умрингиз мазмуни, ҳаётингиз қувончи бўлмиш фарзандларингиз ва набираларингиз камолу бахтидан масрур бўлиб, дўстлар даврасида қувончга тўлиб юриш сизга ҳамиша насиб этсин!*

***«Оқшом»чилар ва дўстларингиз***

*2005 йил 3 ноябрдан*

**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ТОШКАНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ**

## «ЮЛДУЗЛАР ПАРАДИ»

**цирк дастурида супер шоу**
**Ирина Аллегрова**
**Темир йўллар қироличаси**
**Вагон кузатувчиси**
**ВЕРКА СЕРДЮЧКА**
**А.Пугачёванинг қиёфадошлар шоуси танловининг совриндорлари**
**Дастур директори Пётр Поминчук**

***Томошалар: 3, 4, 5, 6, 10, 12, 13, 19, 20, 26, 27 ноябрда 15.00да;***

***7, 8, 9 ноябрда 11.00 ва 14.00 да бошланади.***

***Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилмоқда.***

***Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.***

***Касса соат 9.00 дан ишлайди.***

***Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.***

## ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

2004 йилдан бошлаб 2005 йилнинг ўтган даври мобайнида Давлат мулки қўмитасида “Ишонч телефони” ўрнатилиб, унинг фаолияти ташкиллаштирилганлигини эслатамиз.

Сиз **139-21-37** телефони орқали Давлат мулкини тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштиришни амалга оширишда, давлат активларини ва мулкларини сотиш жараёнларида Давлат мулки қўмитаси тизими ва ҳудудий бошқармалари ходимлари томонидан хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш, Сизга нисбатан бюрократизм, расмиятчилик ва сансалорлик ҳолатлари юзасидан маълумот бериб боришингиз мумкин. Маълумотларнинг анонимлиги ва сирлиги кафолатланади.

“Ишонч телефони” ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9-00 дан 18-00 гача ишлайди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ**

# МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

### 12 НОЯБРЬ, ШАНБА

**Меркурий билан вазмин-босиқлик сайёраси Марс ўртасидаги ўзаро ижобий таъсир вектори транспортда ишловчилар учун бу шанба омадли келишидан дарак беради. Шунингдек, бу икки сайёра ўртасидаги муносабатлар бугун меҳнат кишилари учун ҳам хайрихоҳ бўлишини мунажжимларимиз башорат қилишган.**

Само жисмларининг шу тарзда жойлашиши бугун дам олиш куни бўлган барча инсонларга кўнгилли сафар ва саёҳатлар, эски дўстлар билан дийдорлашувларни ваъда қилади. Кекса ёшдаги қариндош-уруғларни бориб кўриш ёки ҳеч бўлмаганда , телефон орқли ёхуд икки энлик хат билан йўқлаб қўйиш фойдали бўлиши таъкидланган.

Авесто астрологиясига кўра, бугун қувноқлик, хурсандчилик ва ўйин-кулги куни, ҳаётдан завқ олиб, лаззатланиш кунидир. Бадқовоқ, ҳаётга қизиқиши сўнган, одамови кишилар бугунги қувончу шодликлардан бебаҳра қоладилар.

Йирик харидлар ва молиявий операцияларни бошқа кунга қолдириб туриш керак – ўзини оқламайдиган ножўя ҳаракатлар ҳамда нотўғри қарорлар қабул қилиб қўйиш эҳтимоли мавжуд. Олов, маъдан ва кескир асбоблар билан ишлашда эҳтиёткорлик талаб этилади.

Тўсатдан чироқнинг ўчиб қолиши бугун йўқотишлар ва хасталикларга ишора бўлса,- тасодифан қайноқ сувдан куйиб қолиш покланиш ва муаммолардан халос бўлишни билдиради. Терингизда тошмаларнинг пайдо бўлиши танангиз бирмунча ифлосланиб, хилт босиб кетганини билдириб, тана аъзоларини тозаловчи муолажаларни талаб қилади.

### 13 НОЯБРЬ, ЯКШАНБА

**Мунажжимларимиз бугун воқеа-ҳодисалар кутилмаган йўналиш олиши мумкинлиги, келажак билан учрашув ҳамда истиқболли таклифлар тушишини башорат қилишган. Таклифларга эса жиддий муносабатда бўлиш, вақт ва имкониятни бой бермаслик тавсия этилади.**

Мунажжим Л. Неведомская таъбирига кўра, бу галги якшанба нейтрал астрологик фонга эга экан. Ой тақвимининг 12-куни бўлган бугун ўз фикр-мушоҳадаларингизни тартибга солишингиз учун қулай кун ҳисобланади. Қадимда, агар ойнинг шу куни инсонни ғам босиб, тушкунлик кайфияти кўнглига жойлашиб оладиган бўлса, бу ҳолат унинг ўз инсоний ва хизмат бурчларини виждонан адо этишга анча-мунча бепарволигини билдиради, дейишган. Бундай кишилар ишга ҳалоллик билан ва виждонан ёндошиш орқали ўзларини ўнглаб олишлари керак бўлади.

Айни пайтда бугун Қуёш тақвими бўйича 28-кун бўлиб, шу куни эшикларни мустаҳкамлаш, қулфларни тузатиш, тўсиқлар ўрнатиш учун қулай ҳисобланади. Шунингдек, бугун барча кераксиз ва ортиқча нарсалардан халос бўлинадиган кун. Соч олдириш, тирноқларни олиш, тиш олдириш ва турли жарроҳлик операциялари бугун хайрли бўлади.

Меҳмондўстлик хислатларини намойиш этиш, уйга дўст-биродарларни таклиф қилиш фойдали — янги танишувлар, бир қарашдаги муҳаббатга дуч келишингиз мумкин.

### 14 НОЯБРЬ, ДУШАНБА

**Янги танишувлар, айниқса рассомлар, аёллар билан танишиш, узоқ давом этиши керак бўлган ишлар билан банд бўлиш бугунги кунингиз мароқли ўтишига асос бўлади – мунажжимларимиз айнан шуни таъкидлашган. Кийим-кечаклар, санъат асарларини харид қилиш, соч олдириш, гўзаллик салонига ташриф буюриш, сафарларга йўл олиш ҳамда экин-тикин, кўчатлар билан машғул бўлиш ҳам хайрли ҳисобланади.**

Шу куни меҳр-мурувват кўрсатиш эзгуликка йўл очади, садақа бериш, муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш, совға-саломлар ҳадя қилиш, парранда ва ҳайвонларни тўйдириш омадингиз юришишига омил бўлади.Кун давомида жанжаллашиш,жаҳолатга берилиш тақиқланади. Узилиб қолган алоқаларни тиклаш, ўзингизни хафа қилганларни кечириш, қарзларни узиш ва олдин йўл қўйилган хатоларни тузатиш учун бугунги кун айни қулай ва хайрлидир.

Куннинг биринчи ярмида Ой сайёраси йўналишсиз ҳолатда бўлгани учун бегоналар ишига аралашманг, зеро, шунчаки қизиқувчанлигингиз ҳам кўнгилхираликларга сабаб бўлиши мумкин. Уйда кийим-кечаклардаги йиртиқ-ямоқни бутлаш, баъзи таъмирлаш ишларини бажариш вақтингиз самарали ўтишини таъминлайди.

Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

Байт:

**Айтилмаган сўзни**
**айта оларсан,**
**Айтилганни қачон**
**тута оларсан?!**

У давом этиб деди: «Ҳар сўз ўқи камондан учса ва ҳар калима оғиз зиндонидан кўчса уни қайтариб оламан дейиш хомхаёлликдир!»

Байт:

**Шошилмоқдан тийгин**
**доимо ўзни,**
**Истаганда айтсанг**
**бўлади сўзни!**

Чин фағфури сўз бўстонидан гулдаста ҳозирлаб, туҳфа қилган ҳолда деди: «Сўз қуши оғиз қафасида экан, унинг ихтиёри менинг измимдадир. Бордию, у тил ошёнасидан парвоз қилса ҳеч қачон уни тутиб бўлмайди». Байт:

**Қуш қафасдан учиб**
**кетганда ҳар дам,**
**Тутаман деб уни**
**тортмагин алам!**

Сўз келини сўзлашув пардасидан ташқарига чиқмаган экан, тил машшотасининг ихтиёридадир. Машшота уни хоҳласа баён боғига олиб киради, хоҳласа парда орқасида пинҳон тута олади.

Байт:

**Сўз келини жилва**
**қилмаган замон,**
**Соҳибнинг қўли**
**остида пинҳон.**
**Хоҳлаганда уни**
**баён қилади,**
**Хоҳлаганда яна**
**ниҳон қилади!**

● Вафоли одамнинг дўстлиги ҳам самимий бўлади.

● Ёшликда шундай иш қилки, қариганингда фойда берсин ва унинг беҳуда ўтганидан афсус ема!

● Ёшлик мастлиги шароб мастлигидан ортиқ.

Йигит йигитдан йиқилади, аммо таслим бўлмайди.

● Бир сандиқ олтиндан бир зарро ақл яхши.

● Тинимсиз зиёратдан малоллик туғилади.

● Йўлга чиқишдан аввал йўлдош қидир.

● Ҳар қуш ўз овозидан шодланади.

● Байт:

**Яхшилар айбидан кўз**
**юмгин ҳар он,**
**Ҳасад кўзи билан**
**боқмагил зиён.**
**Ўз айбинг кўрмоққа**
**юз марта кўз оч,**
**Ўзгага бир бор ҳам**
**кўз очишдан қоч!**

● ҲИКМАТ. Дўст уч гуруҳдир: дўст, дўстингни дўсти, душманингни душмани. Душман ҳам уч тоифадир: душман, дўстингни душмани, душманингни дўсти.

Байт:

**Душманингга**
**душман бўлади дўстинг,**
**Душманингга ул ҳам**
**бўлади ағёр.**
**Душманингга дўстлик**
**айласа дўстинг.**
**Душмандир у аканг**
**бўлса ҳам зинҳор!**

«MIR-USMONOV» масъулияти чекланган жамият устав фондини 2.517000 сўмдан 500 000 сўмгача пасайтиришини маълум қилади. Тел: 131-84-14.

*Ўқув масканларида*

# КОЛЛЕЖДА ГУЛ БАЙРАМИ





**Ёшларимизни табиатга муҳаббатли, эстетик дидларини юқори даражада шаклланган ҳолда тарбиялаш барчамизнинг, айниқса устоз-мураббийлар зиммасидаги масъулиятли бурчдир. Таъкидлаш жоизки, бу борада Чилонзор туманидаги 1-Тошкент педагогика коллежида хайрли анъанага асос солинган.**

Ушбу ўқув масканида ҳар йили октябрь ойининг охири, ноябрь ойи бошларида кузги гуллар байрами тадбири анъанавий тарзда ўтказилади.

–Кузги гуллар байрами қизларнинг табиатга бўлган меҳр-муҳаббатини ошириш, уларни гўзалликка ошуфта қилиш, эстетик дидларини шакллантириш мақсадида ҳар йили гуруҳлараро ташкил этилади,— дейди, коллеж директори ўринбосари Ўринбой Бобоёров.–Бу ҳақда гуруҳларга олдиндан эълон қилиниб, гуллардан бетакрор композициялар, ўзига хос шакллар ясалади. Бунда чиройли гулдасталар фақат табиий гуллар ва барглардан ясалиб, ғолиблар аниқланади.

Одатдагидек, коллежнинг табиат, химия ва биология кафедраси мудири Адиба Маҳсумова бош-қошлигида ўтказилган бу галги гуллар байрами ҳам ўзгача файз ва таровот касб этди. Унда жами 46 та гуруҳ қизлари иштирок этиб, ўз эстетик дидларини намойиш қилишгани туфайли тажрибали ҳакамлар ҳайъатига ғолибларни аниқлаш осон кечмади.

Шундай қилиб, ҳисоб-китоблардан сўнг Ўлмас Ҳакимова раҳбарлигидаги 201-гуруҳ энг чиройли гулдаста жамлаган ҳолда танловнинг бу галги ғолиби бўлди. 203,208, 21-гуруҳларга эса совринли ўринлар насиб этди.

Барча ғолиб ва совриндорларга Фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғалари топширилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: 1-Тошкент педагогика коллежида кузги гул байрами мана шундай чиройли ўтди.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ЎЙЛАБ ГАПИР

Эрталаб Юнусобод бекатидан метрога чиқдик. Ҳамма кундалик иш, рўзғор юмушлари хаёли биланд банд. Фақат биз ўтирган вагон ўртасида тик туриб олган икки дугона дунё ташвишларидан ҳоли қизғин суҳбат қуришган. Улар худди ён-атрофда ҳеч ким йўқдек бемалол, бор овозда шанғиллаб гаплашиб боришяпти. Уларнинг суҳбатидан ўтирганларнинг ғаши келиб, асаби қўзиб бораётган бўлса-да (бу уларнинг дугоналарга тез-тез норизо қараб қўйишларидан ҳам маълум) ҳеч ким уларга ботиниб гапиролмайди. Қизлар бўлса атрофдагиларнинг қарашларидан мутлақо бепарво суҳбатни авж олдиришади.

— Қодирни нима қилдинг?

— Ўлсин, орқамдан итдек эргашиб юрди. Охири қарасам бўлмайдиган, ҳой сўтак, овора бўлма, мен Одилни севаман. Агар яхшилик қилмоқчи бўлсанг, севишимни унга бориб айт, дедим.

Тавба, дейман ўзимча. Мажнунни девона қилган, Фарҳодни буюк ишларга чорлаган, Тоҳирни сувга оқизган муҳаббатнинг қадри шунчалар пасайиб кетдими? Бу қандай гап бўлдики, қиз ўзининг севган йигитига ўзгани севиши ҳақида ошкора айтиб, яна ундан ўртада воситачи бўлишни илтимос қилса?

Дугоналарнинг андишасизларча бундай суҳбатига ўриндиқда ўтирган ўрта ёшли аёлнинг ғаши келиб, чидай олмади шекилли ўрнидан туриб шаҳд гапирди.

— Қанақа беандиша қизсанлар. Юзингда бетинг борми демай шунча одамнинг олдида уялмай-нетмай муҳаббатингни бозорга солиб шанғиллаб гаплашасанлар-а?

— Нима ишиз бор сизни?

— Онанг тенги одамман, гапираётган гапингни қара. Ҳе ўша муҳаббатингга ўт тушсин.

Дугоналарнинг жавоби оғзида қолди. Аёл бекатда метродан тушиб кетди. Қизларнинг шундан кейинги суҳбати ўша аёлга қаратилди.

— Ўзининг даври ўтганда.

— Алам қиляпти.

— Шунақа қайнонага тушиб қолсанг борми...

— Бўғиб қўярдим.

Ана холос. Қизлар ҳали йўқ қайнонага ҳам кафан бичишди.

Ҳайриятки улар кейинги бекатда тушиб қолишди. Бўлмаса яна нималар деб валдирашарди.

Яқинда автобусда шунга ўхшаш воқеа рўй берди. Навбатдаги бекатда машинага чиққан икки дугона йўл-йўлакай тўхтовсиз ҳиринглашиб, кулишади. Асаби таранглашган йўловчилар уларга «Бўлди, тўхтат» маъносида қарашади. Лекин қизлар баралла овозда кулишдан тўхтамайди. Шунда орқа томондан эркак кишининг дўриллдоқ овози эшитилди.

— Бўлди, бас қилларинг. Бу онангнинг уйими, бемалол ҳиринглашасан, жамоат транспортида.

Қизлар унга жавобан нимадир деди. Жавоби эса баттар бўлди.

— Эй падарингга лаънат сенларни.

Эсиз, қизларнинг бу ножўя қилмиши падарига лаънат келтирди. Мана шуниси ёмон бўлди.

## ВАТАННИ СЕВМОҚ — ИЙМОНДАНДИР

Набирам Нилуфар сўрайди.

— Бобо, Ватан нима?

— Ватан туғилиб ўсган уйинг, жонажон юртинг, шу она тупроқ, шу замин.

— Бўлмаса нима учун она-Ватан дейилади?

— Сабаби Ватан — она каби муқаддас ва азиз. Инсон онани қанчалар севиб эъзозласа, Ватанни ҳам шу қадар севиб эъзозлаши керак, тушундингми бўтам.

Бижилдоқ набирам шеър ўқийди.

**Менинг икки онам бор,**
**Иккиси ҳам меҳрибон.**
**Бири менга сут берган,**
**Бири эса ширин нон.**
**Бири туққан онамдир,**
**Иккинчиси ҳур Ватан.**
**Иккисига баробар**
**Курбон бўлсин жону тан.**

— Баракалла, — дейман унинг ўзига хос жарангдор овозда ўқиган шеърини тинглаб, — ана кўрдингми шу шеърда ҳам она билан Ватан ҳамоҳанг жаранглайди.

У яна сўрайди.

—Унда ватанфуруш дегани нима?

—Туғилиб ўсган замин, яъни Ватанининг қадрига етмай, уни эъзозлаш ўрнига хиёнат қилган сотқинлар ватанфуруш деб аталади. Қани айтчи бўтам, туз ичган тузлуққа тупуриб бўладими?

— Йўқ, ундай қилса одам кўр бўлиб қоладику.

— Балли, ватанфурушлик ҳам туз ичган тузлуққа тупуриш билан баробар. Сенга нон, туз берган Ватанга хиёнат нонкўрлик ҳисобланади. Шунинг учун донолар «Ватанни севмоқ иймондандур» дейишади. Энди тушундингми бўталоғим.

Тушундим бобо, тушундим, — дейди қизалоқ бижиллаб. Мен эса Ватан туйғусини ёшликдан дилига жо этишга уринган ширинтой набирамнинг бошини мамнуният билан силайман.

## ТОР ЖОЙДА ТОМОША

Амир Темур хиёбони томонидан метрога тушиш йўлидан юрган бўлсангиз «Ўзбекистон» меҳмонхонасига чиқиш пиллапояси олдида турли икир-чикир маҳсулотлар билан савдо қилаётган аёлларга кўзинган тушган албатта. Йўловчилар гавжум бу йўлакнинг ярмини эгаллаб олган сотувчиларнинг ўзбўларча иш тутиши айниқса, эрталаб ва кечки тиғиз пайтларда ўтган-кетганнинг ғашини келтириб, кўпчиликнинг бу ердан юришига ноқулайлик туғдиради. Бунинг устига уч-тўртта бекорчи харидорларнинг шу атрофга тўпланиб олиши ортиқча.

Тунов куни эрталабки тиғиз пайтда йўловчилардан бири шу тор жойдан ўта туриб, бехосдан сотувчилардан бирининг пештахтасига урилиб кетди. Кўргазмадан жой олган маҳсулотларнинг бир нечтаси ерга сочилди. Йигит узр сўради. Дарҳол ердаги маҳсулотларни териб жойига қўйди.

— Нима бало кўзинг кўрми укам? — деди сотувчи йигитга қовоғидан қор ёғилиб.

— Ўтиш йўлагининг ярми банд бўлса нима қилай? Атайлаб қилганим йўқ, тиқилинчда урилиб кетдим-да.

Сотувчи яна бир нарсалар деди. Ўртага бегона киши аралашди.

— Болани нима қиласиз уялтириб. Аслида айб унда эмас, ўтиш йўлининг ярмини эгаллаб олган сизда. Ахир савдо учун бошқа жой қуриб кетганми?

Унга яна бир йўловчи қўшилди.

— Бу ер йўловчилар билан гавжум, харидоргир. Шунинг учун шу жойга тиқилиб олишган.

Ҳар куни йўловчиларнинг асабини қўзиб тор жойда томоша кўрсатиб ўтирган бу сотувчилар кимлар ўзи? Ахир улар қачонгача ўзи шундай ҳам тор бўлган ер ости йўлининг ярмини эгаллаб ўтиришади? Йўловчилар бу ноқулайликдан қачон қутулади?




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2495 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.